

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 НОЯДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 123 (6. 014) • 1986 йил 29 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Илғорлар сафида

Тошкентдаги мебель ойналари фабрикаси маҳсулотига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Корхона асосан Нукус, Бухоро, Самарқанд, Шўрчи, Фарғона, Олмалиқ, Қўқон, Қува, Наманган, Андижон, Тошкент мебель ишлаб чиқариш фабрикалари учун 28 хил размердаги ойна маҳсулотларини етказиб беради.

Тон касабга союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛНКСМ Марказий Комитетининг кўча Қизил байроғи билан тақдирланди. Коллектив бу ютуқни мустақамлаш учун янги йилдан янги режалар билан ишлашти. Шунга қўра корхонада квартал ва ойлик планлари мунтазам бажарилиб турибди. Бу ерда ўзаро социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши яхши натижа берайти. Цехларро беллашувда ҳозирча М. Одилов раҳбарлик қилаётган цех коллективи пешқадамлик қилапти.

Цехда вақтдан ўзиб ишлаётган ишчилар ҳам қўллаб-қўллашди. Ш. Норматова, М. Икромова, Ф. Гоинова, З. Аҳмедов, С. Нигматжонова ва каби ишчилари шулар жумласига киритиш мумкин. Бу илғорларнинг кўпчилиги шу куларда 2-квартал шахсий топириқларини бажариб келас квартал ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Яна бир бино тайёр

«Сафимизда биронта ҳам қолоқлар бўлмасин!» «Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Э. Хасанов бошлиқ бригадаси аъзолари ана шу шир остида меҳнат қилмоқдалар.

Коллектив бир неча йилдан бери Сергели районда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Кунин-кеча бинокорлар яна бир муваффақиятни қўлга киритишди. Май ойи плани муддатидан илгари адо этилди.

Юсак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган бригада аъзолари йиллик план-топириқни ортиғи билан адо этишга аҳд қилишган. Бунёдкорлар янги йилгача 4 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришмоқчи. Иш вақтининг йўқотилишини ка-

майлаштириш ва илғор методларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини пландагидан 1,1 процентга ошириш кўзда тутилмоқда.

Бригадада 37 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси турдош касбларни ўзлаштириб олишган.

КПСС XXVII съезди биз қурувчилар олдида катта вазифаларни қўйди, — дейди бригада бошлиғи Э. Хасанов. — Шундан келиб чиққан ҳолда ишмизни қайта режалаштирдик. Иш сифатига алоҳида эътибор берадиган бўлдик.

Бунёдкорлар кунин-кеча Сергели районда қурилаётган ётоқхона биносининг «Б» қисмини биттазиб қабул қилишга кўришга тайёр.

Замондошимиз



Ешликда киши нималарни орзу қилмайди дейсиз. Гоҳ ўқитувчи, гоҳ врач, инженер, қурувчи, баъзан учувчи қиёфасига тасаввур этади ўзини. Маъмураининг орзулари ҳам чексиз эди.

Кўпроқ унга ўқитувчилик ёқарди. Шу соҳада ишлашга майли бор эди. Кейинчалик бу хоҳиш истакка айланди. У ўқитувчи бўлишга қарор қилди.

Хабр ўнар бўларкан. Баъзан бир тасодиф билан узоқ йиллар давомида мўлжаллаб юрган истағини бошқаси билан алмашиб қолганини сезиб-сезмай қоларкансан киши.

Қардошлиқ қонунга биноан 904-СЧЁТГА

Ишчилар... «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти-Янгув цехининг коллективни ўта қисқа вақт ичиде, муддатидан илгари эллик саникта катта герметик переключательлар пакетини тайёрлаб, Челябинск АЭСига жўнатди. Бошқа жихозлар ҳам у ерга планда белгиланганидан илгари жўнатилади.



СУРАТДА: «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп нуқсали «Электротехник» газетасининг редактори К. Я. Мезенцева механик-Янгув цехи ишчилари билан суҳбатлашмоқда.

Қурувчилар...

«Бир дам олиш кунини черобилликлар учун ишлаб берамиз» — шахримиздаги йиллик қурилиш ташкилотларидан бири бўлган 11-«Вострой» трести коллективи ана шундай ташаббус билан чиқди.

Черобилликлар бошга тушган мусбат бизнинг ҳам мусбатимиздир, — дейди трест партия ташкилотининг секретари А. Юсупов. — Бунинг олдидан ҳис этган трестимизнинг барча қурувчилари юқоридеги ташаббусни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Журналистлар ҳиммати

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари редакцияси коллективи ўларнинг унумли йилгилишида атом электростанцияси аварияси оқибатида талафот кўрган Черобил ва Припять аҳолисига яқинлик билан ёрдам кўрсатиш иштиёқиде экинликларнинг изҳор қилдилар 904-счётга иккала газетанин журналистлари ва техник ходимлари ўларнинг бир кунлик иш ҳақларини бажонидил ўтказдилар.

ОЧИҚ КОСМОСДА

УЧИШНИ БОШКАРИШ МАРКАЗИ, 28 май. (ТАСС). Одам бошқарилган «Салют-7» — «Союз Т-15» — «Космос-1686» комплексининг учуш программасига мувофиқ космонавтлар Леонид Кизим билан Владимир Соловьев бутун Москва вақти билан соат 9 дан 43 минут ўтганда очиқ космик фазога чиқдилар. Космонавтлар ўларини яхши ҳис этмоқдалар.

Тошкент — янгича аънаналар шахри

Битирувчилар аҳди

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг битирувчи курс студентлари яхши ташаббус бoshлашди. Улар институтдаги барча битирувчиларни янгича маросим ва аънаналарни турмушга жорий этишга даъват этишлар. Кейинги уч ойда шу курс битирувчилари бўлган олти қиз турмушга чиқди.

Хоразм областида истиқомат қиладиган Зеар Эшметова ота-онасини тўғни янгича услубда ўтказишга кўндирди. Унинг никоҳ тантанасида курсдошларининг ҳаммаси иштирок этди. Спиртли ичимлик бутунлай қўйилмади. Шунинг учун ҳам тўй никотда хушқача ва мазмунли бўлди.

Курс битирувчиларининг ҳар бири иккитдан атеистик тўрибга бағишланган докладылар тайёрлашди. Улар диплом олганлардан кейин ўзлари истиқомат қилаётган шаҳар ва қишлоқларда ана шу докладыларни ўқиб беришди.

Кўча ва кварталларимиз обод, ораста бўлсин



ЭРТАГА ТОШКЕНТЛИКЛАР ОБОДОНЛАШТИРИШ КУНИДА ИШТИРОК ЭТАДИЛАР

Шаҳримизда бир қатор районларнинг маҳалла ва уй комитетлари 30 май кунини ободонлаштириш, маҳаллаларни, уй-жой кварталларини ораста қилиб, тартибга келтириш бўйича санитария кунини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббус намунали шаҳар номини учун курашаётган поётахтининг мизининг қиёфасини янада кўркамлаштиришга қаратилганлигини учун ҳам қўллаб-қувватлаш ва-енг ёйишга молликдир.

Шаҳримиз чирой очаверсин

Э. РИЗАЕВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Тошкент тобора қўлоқ ёймоқда, янги турар жой кварталлари, кўчалар, хивонлар пайдо бўлмоқда. Аммо бинонинг бунёд этиш, қўчат ўтказиш билан иш битмайди. Уларни намунали холда сақлаш мумкин. Баъзан янги уй қад ростламий туриб унинг атрофида ахлат ва чикиндилар, ўзбошимчалик билан ўрнатилган тўсиқлар вужудга келади. Шу ўринда гўзаллик, орасталик ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Шунинг учун ҳам бир қатор маҳалла ва уй комитетларининг шаҳарда ободонлаштириш бўйича санитария кунини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси долзарб аҳамиятга эга. Чундан ҳам айрим кварталларни озода деб бўлмайди. Бунда рўзгор чикиндиларини, ахлатларини ўз вақтида ташиб кетилишини таъминлаётган ободончилар коллективларининг, ўз вазифасига сийдиқидан ёндошмаётган фаррошларнинг ҳам айби бор.

Аммо антисанитария ҳолатининг бошқа бош сабаби бор. Қоронинг тушиши билан ўз уйдан узоқлашмай ахлат тўкаётган кишиларни тез-тез учратиш мумкин. Одатда ахлат ташийдиган машина келишига улгурмаган ёки ободонлаштириш ва санитария нормаларига риоя қилишни ўзинга эп билмаган кишилар шундай қилишади. Ҳам-жиҳатлик билан биз озодалик ва тартибга қатъий риоя қилинишига эришишимиз лозим.

Кўпчилик ёрдами



Инсон меҳнати билан гўзал

Шаҳримиз кўчалари ва кварталлари озода ва гўзал бўлиши учун ҳар бир киши сийдиқидан ўз ҳиссасини қўйиши керак. Ана шунда биз Тошкентни намунали шаҳарлардан бирига айлантираемиз. Кези келганда шунини ҳам айтиб ўтайки, ҳашарларда ҳамма фаол иштирок этаётир. Баъзи корхона ва ташкилотлар оталиқлардаги майдонларда ободончилик ишларини бажаришни унутиб қўйишди. Биз янаш турсан Қорасарой кўчасида беҳдан ортиқ маҳалла жойлашди. Ана шу маҳаллаларнинг кўпчилигинида чикиндилар учун махсус

жойлар ажратилиб, ҳар кунини кечқурув белгиланган вақтда хонадонлар челақ-челақ чикиндиларини чиқариб ташлашади. Лекин баъзи оилалар шу белгиланган вақтга риоя қилмасдан «Автотормехбаза» машиналари кетганда кейин чикиндиларни олиб чиқишади. Бундай тартибсизликларга барҳам бериш керак.

Уйлашимиз, эртага Тошкентда ўтказилаётган санитари кунинида ҳамма иштирок этади ва белгиланган участкаларда ҳашарлар ўтказишади. У. МАННОНОВ, ўқитувчи.

Мен Тошкент IX Халқаро кинофестивалига биринчи марта келишим. Бу анжуманда Лотин Америкаси мамлакатлари киночиларининг асарлари билан танишиш гоётда фойдаландир.

Аҳилликда гап кўп

Маҳалламизда 563 хонадон бўлиб, 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан юзга яқини пенсиянер. Тўғриси айтишим керак. Биз ана шу қариёраликларимиз ёрдамида жуда кўп ишларни амалга оширдик. У. Каримов, Х. Тошхонов каби ўнлаб аҳолиларимиз ёрдамида қатор ибратли ишлар, ниҳоятга етказилди. Ҳозир тўртта асосий кўчамиз бор. Бу Охакчи, Махтумқули, Генерал Уаюков, Шуманай кўчалари бўлиб, ана бир қанча тупик ва проездлар мавжуд. Бу кўчаларга кириб қолсангиз, ариқлар четига ўтказилган мевади дархатлар бугунги кунда ҳосилга кирганлигининг шоҳиди бўласиз.

Махтумқули кўчаси, 2-проезд 8-ўйда яшовчи Абдураҳмоновлар, ана шу кўчадаги 1-проезд 9-ўйда турувчи Маҳмадқонова, Шуманай кўчасида 6-уй қисмида қилувчи Абдуллоевлар уйдан олдинда ўтиб қолгудай бўлсангиз, атроф саранжом-саранжаларини кўриб, завқланасиз. Ранг-баранг гуллар қийғос очилиб ётибди, узумлар сўнла иштирок этиб, тартиб билан болганган. Атроф сулуворлиб, сув сеилган. Биз маҳалламизда ана шундай ҳолатлар кўп бўлишини истаймиз. Шаҳримизда ободонлаштириш бўйича санитария кунларида аҳиллик билан иштирок этиб, маҳалламиз янада обод ва кўркам бўлишига ҳаммамиз ҳисса қўшамиз.

М. ҚУШОҚОВ, Октябрь районидеги «Октябрь 50 йиллик» номли маҳалла комитети раиси.



Бизнинг интервью

Мароқли учрашувлар

Мануэль АКОСТА, кинематографчи (Куба). — Менинг мамлакатим кинематографчилари бу йил экранларимизга саникта қисқа метражли ва 12 та ҳужжатли ҳамда мультпликацион фильмлар чиқаришади. Куба революцияси галаба қозонган кундан буён халқимизнинг маънавий ташналигини қондира оладиган фильмлар яратилмоқда. Шунинг учун ҳам санъаткорларимизни бугунги куннинг тинчлик ва Ватан ҳимояси каби проблемалари гоётда қизиқтиради.

Мен Тошкент IX Халқаро кинофестивалига биринчи марта келишим. Бу анжуманда Лотин Америкаси мамлакатлари киночиларининг асарлари билан танишиш гоётда фойдаландир.


Тошкент кинофестивалида мамлакатимизнинг иккит кино лентаси намойиш этилди. У. Сенобио Фахетнинг машҳур Куба созадаси ҳақидаги картинасида, ўтган йил бу картина юқори баҳоланди. Иккинчи кино асари «Йўқолган бола» деб номланган. У. Аргентинада ҳарбий диктатура вақтида дом-дараксиз йўқолган 200 боланин тақдирини ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли картинадир.

Мануэль, Кубада қандай кинофестиваллар ўтказилди? — Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳар йили Кубада бўладиган фестивали кенг шухрат қозонган. Унда қитъанин муҳим проблемаларига бағишланган картиналар яратган бошқа мамлакатлар ҳам бемалол иштирок этади. Кино санъати усталари фильмлар намойиш этишдан ташқари миллий киновини шаклланиши, кинематография олдида турган долзарб масалалар ҳақида фикрлашадилар.

Тошкент кўриги ҳақида таассуротларингиз қандай? — Фестивалининг барча қатнашчиларини кутлайман. Тошкент кинематографчиларининг жуда катта даврасини ташкил этган. Бу даврда турли миллият кишилари бир-бири билан яқиндан танишиб уч қитъанин кино санъати ҳақида кенгроқ фикр юритиш шарофига муяссар бўлмоқдалар.



У Ч К И Т Ъ А Э К Р А Н И



Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатлари Тошкент IX Халқаро кинофестивали тугашга сановди қулар қолди. Бироқ фестивал қатнашчилари шахримиз...

нинг хушманзара жойлари билан қизиқиб танишмоқдалар. Сиз суратда Япония киноделегациясини кўриб турибсиз. (Чапдан ўнгга) Я.



Тэнто, К. Сэйдиро, Т. Такахиро, К. Рэндо. Иккинчи суратда эса СССР, Аргентина, Лаос киносанъаткорлари

акс эттирилган. (Чапдан ўнгга) С. Тайярат, В. Матогонов, А. Дорна, В. Зокиров.

Л. Глауберзон фотолари.

Республикамиз пойтахти Тошкентда ўз ишнин давом эттираётган Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларининг IX Халқаро кинофестивали ўзининг яна бир қизғин палласига кирди. Республика Кино уйда режиссёрлар, артистлар, санъатшунослар ва халқлар дўстлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуга бағишланди. Бу мунозарарда сўзга чиққан нотқилар фестивалда намойиш этилган фильмларнинг ижрочили маҳорат даражаси ва унда илгари сурилган ижобий фикрлар ҳақида мулоҳазаларни ўртоқлашди.

Пойтахтимиздаги Санъат саройи ва бошқа кинотеатрларда фестивал фильмлари муваффақият билан намойиш этилмоқда. Тошкентнинг фестивал қатнашчилари ва меҳмонлари билан самимий ва дўстона суҳбатлашиб, уларнинг ижобий режалари ҳақида ингилкларни билб олмақдалар.

Бундай учрашувларнинг биринчи Хитой Халқ Республикаси билан келган кинорежиссёр У. Инь-сюнь ҳам бор эди. Қурмакли меҳмон ўзининг кино оламидаги фаолияти билан ўртоқлашди.

Тошкент кинофестивалида биз «Дайди оқуш» фильмининг намойиш этидик. Бу картина оддий қилон, унинг бугунги кун, турли ташвишлар билан яшашини кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Бош ролда истеъдодли актриса У. Дань қатнашган.

Сизнинг кинодаги ижобий фаолиятингиз қачон бошланган?

Мен 50-йилларда киного кириб келганман. Дастлаб танқидчи эдим. 1979 йилда режиссёрлик ишига киришдим. Тошкент фестивалига таклиф этилганимиздан беҳад мамнунимиз. Чунки бу ерда жуда кўп мамлакатларнинг кинематографлари югулди билан яқиндан танишиш мумкин.

Хозирда Хитой Халқ Республикасини кинематографияси олдинда қандай вазифалар турибди?

Хар йили мамлакатимизда 120—130 бадий фильмни ишлаб чиқарилмоқда. Хужжатли ва телевизион фильм ишлаб чиқаришда ҳам маънавий мамлакатларимиз ўртасида ижобий ҳамкорлик қилиш дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди. Шахсан ўзим «Оммавий кино»

МАҲОРАТ МАКТАБИ

— Фильмимиз «Мирзанинг бошмоқлари» деб аталади. У халқ эртаклари асосида яратилган. Чунки ҳозирги пайтда Эрон халқига таскин берувчи қувноқ эртаклар жуда ҳам керак. Ана шундай юмушлардан бири менга насиб этиди.

— Биз ҳозирги пайтда совет-корейс ҳамкорлигида янги фильмни суратга олишга тайёрларик қўяймиз. У совет санитариеси Мария Цуканованинг жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Мария Корейни озод қилиш учун бўлган курашларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.



У. Инь-сюнь



Сона Кенаяева

журналистлар учун бўлган конференцияда Эрон кинематографиясининг ҳозирги аҳоли ҳақида гапириб берди. Утган йили Эронда 40 дан ортиқ турли хил жанрда бадий фильмлар яратилди. Хужжатли ва телевизион ленталари яратилиш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Шунинг учун ҳам КПСС XXVII съезди минбаридан ядро уруши қуроллари синовини тезда ва батамом тўхтатиш юзасидан олий инсонпарвар фикрлар айтади.

Табиат инъомлари

Қадимги даврдаги табиат аспириндан кучли саримсоқ ҳамма жойда етиштирилсин!

НОДИР ПИЁЗ

Мўзижизкор саримсоқ пивз ҳақида афсоналар биздан қанчалик узоклашган сайин фарқини шифобахш кучи тўғрисида шунча кўп асосга эга бўлмоқда. Қадамги даврда кўп касалликларни даволаб келган бу усимлик ҳозир ҳам кўпгина хасталикларни даволашда кўл келмоқда ва унинг ўрнини босадиган дори ҳам йўқ.

тайёрлаш мамлакатимизда анча кўпайди, деб хабар қилишди бизга СССР Давлат агрономат комитетида. Саримсоқни марказлаштирилган тартибда сотиш ҳажмига деярли икки баравар кўпайиб, йилга 80 минг тоннага етди. Агар етиштирилиб, олтинадиган бўлса, ҳозирги вақтда унинг ҳосили бир неча минг тоннага етади.

Қадамги даврдаги табиат аспириндан кучли саримсоқ ҳамма жойда етиштирилсин!

Қадамги даврдаги табиат аспириндан кучли саримсоқ ҳамма жойда етиштирилсин!

Мўзижизкор саримсоқ пивз ҳақида афсоналар биздан қанчалик узоклашган сайин фарқини шифобахш кучи тўғрисида шунча кўп асосга эга бўлмоқда. Қадамги даврда кўп касалликларни даволаб келган бу усимлик ҳозир ҳам кўпгина хасталикларни даволашда кўл келмоқда ва унинг ўрнини босадиган дори ҳам йўқ.

Сўнгги йилларда бизда ҳамда бошқа кўпгина мамлакатларда ўтказилган энг янги тадқиқотлар олимларнинг энг дадил фаразларидан ҳам зиёда бўлди. Афсонавий саримсоқ пивз шон-шухрати яна тугилгандек бўлди, саримсоқ бозорига эса унга бўлган талаб икки-уч баравар ортиб кетди.



ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР

Дўстлик — ҳаёт гули

Инсоний шундай бир фазилат борки, уни ҳаммамиз қадрлаймиз, кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, садоқат кўрсатишга интиламиз. Бу, бир сўз билан айтганда — дўстликдир. Бирок, гўзал фазилат бўлган дўстликни бирор манфаат, шунчаки зарурат, вақтинчалик муносабат деб тушунамаслик керак. Дўстлик жуда самимий, бегараз, гинақудратсиз бўлиб, заминда инсоний садоқат, қадр-қиммат, вафодорлик ётиши керак. Дўстлик яна шундай тушунчаки, бу, фақат бир неча таниш-билиш кишилар ўртасидаги муносабатларгина бўлиб қолмай, оила ҳаётини, қолаверса бутун жамият аъзоларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун донолар, дунё тинч, дўстлар саломат бўлиши, дейишган. Чиндан ҳам шундай фаровон турмушимизда дунёда тинчлик барқарор бўлиб, инсоний муҳаббат—дўстлик самимий ва мустаҳкам чирой охса, бундан ортиқ бахт йўқ.

Дуни пок, нияти соф ҳар бир киши дўстлигини қадрлаб, у пўлатдан қаттиқ, гулдан нозик эканини ҳис этади. Ҳаётни дўст-биродарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсонга дўст ҳамма вақт керак. Дўстсиз кишининг ҳаёти ҳеч қачон тўлиқ, мазмунли ўтмайди. «Дўстсиз бошим — тузсиз ошим», деб бежиз айтилмаганда. Демак, шу мусаффо дўстликни асраб-авайлайдиган, эъзозлайдиган, гард-доқ юктирмайдиган кишиларнинг самимий, олижаноб инсон десак арийдим.

Бахтиёрлар қувончи

Болалар бахтида Ватан эбеси бор. Мамлакатимизда гўзал ҳаётимизнинг гулгун чадлари — бахтиёр болаларимизнинг қувноқ ўшшларни учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар учун хушманнара боғ-роғлар, дам олиш зоналари доимо кучоқ очиб туради. Яна уч қундан кейин биз болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунини нишонлаймиз.

— Боғчамизда бир ёшдан уч ёшгача бўлган 80 бола тарбияланади. — дейди боғча мудириси Қ. Маҳкамова, — Ёзининг иссиқ қўлида мана қилиб чўмилишга нима етсин? Энди бизнинг кичкинтойларимиз ухлаш олдидан мана қилиб чўмилишадиган бўлишди.



Ғалати қашфиёт

Машҳур химик ва кашфиётчи Эрнст Вернер Штепелн билан дунёда шундай муштарак ҳақиқат бўлган. У қамоқхона камерасида таъриба ўтказиш учун рус тасаб олган ва гальванотехника бўйича таърибаларини давом эттирган. Камерада у оддий металллар олтин билан қоплаш усулини кашф қилган.

Ғалати қашфиёт

Бус, таърибалари тугагунча бу ерда қолишга рухсат сўраб, илтимосномалар ёзади. Бироқ маъмурият унинг гапларига қулоқ солмай, қамоқхонада ҳайдаб чиқаради. Озоликда у яна қайтадан лаборатория ташкил қилиб, қамоқхонада бошлаган таърибаларини тугаллайди ва патент олишга муваффақ бўлади. Кейинчалик у ҳазил тарихида «Қамоқхонада ижод қилиш озоликдаги ижоддан минг марта афзалроқ» деб ёзган эди.

Шафтоли ранги

Бу рангдаги бўёқни тайёрлаш жуда ҳам қийин бўлган.

Физкультура ва спорт

ГРОССМЕЙСТЕР-БИЛАН УЧРАШУВ

Республикамиз пойтахтидаги 15-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ёш шахматчиларнинг халқаро гротсмейстер Г. Азамов билан учрашуви бўлиб ўтди. Ёш шахматчилар хузурда у ўзининг спортдаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берди, шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун бўлган бахслар хусусидаги таассуротлари билан ўртоқлашди. Учрашув сўнггида гротсмейстер бир пайтнинг ўзига ўн уч тахтада сеанс берди. Шундан икки пайтнинг ёш шахматчилар ўзини дураг билан яқунлашга муваффақ бўлишди.



«Бўш келма...»

В. Таматаев фотоси.

ҲАМШАҲРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Римда Венгрия, Греция, Италия, АҚШ, Франция, ГФР, Швейцария ва Совет Иттифоқи спортчилари иштирокида сузиш бўйича йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Италия пойтахтида бўлган бу мусобақада тошкентлик сузувчи СССР спорт мастери Дмитрий Паньков муваффақият қозонди. «Локомотив» (Тошкент) кўнгили спорт жамаиати вакили 200 метр масофани 2 минут 03,62 секундда сузиб ўтиб, барча спортчилардан юқори натижани кўрсатди. Шунингдек, Дмитрий эркин сузиш бўйича шу масофада бронза медали соҳиб бўлди.

Жаҳон чемпионатида дийдор кўришгунча хайр

Москвадаги «Дружба» спорт залида Анатолий Харлампиев хотираси учун ўтказилган самбо бўйича халқаро турнирнинг якуловчи кунинда совет курашчилари меҳмондўст мезгилларда галиб чиқдилар. Боқуллик Фанк Агаев (52 килограммга вазида), Барановичлик Георгий Виноградов (62 килограммга вазида), москвалик Сергей Фомкин (74 килограммга вазида), вильнюслик Виргиниус Саломас (90 килограммга вазида), клайпедалик Альгимантас Грибаускас (100 килограммдан ортиқ вазида) эсдалик мукофотларини олдидлар. Мусобақада Болгария, Буюк Британия, Испания, Италия, Кампучия, Франция, Швейцария полволлари ҳам иштирок этдилар. Ноябрь ойида Парижда ўтказилган жаҳон чемпионатида дийдор кўришгунча, дейиши меҳмонлар меҳмондўст мезгиллар билан хайрлашатириб. Бизнинг самбочиларимиздан ким Францияга бориши июнь ойида Пермада бўлиб ўтадиган СССР чемпионатидан сўнг маълум бўлади. (ТАСС мухбири).

Келинг,

бир кулишайлик

АРАҚХҲҮР Кутла танага роҳат, умрини узайтиради дейишади. Мана, халқимизни 100 йил қулдириган Юсуфжон қизиқ ўзлари 113 га кирган эканлар. Ичкиликнинг оқибатини қаранг. Бир маст йигит устоз Юсуфжон қизиқ билан сурашибди: — Йхшимисиз ота? — Йхшиман, ўғлим. — Мени танимаётисиз-а, ота? — Йўқ, таниб турибман, ўғлим. — Йўқ, танимаётисиз. — Ўн марта танимаётисиз, — дебди ана йигит. Юсуфжон қизиқнинг сал жаҳли чиқиб: — Нимага танимас эканман, ўлиб кетган Қодирсан-де, — деса ҳалиги маст йигит: — Ҳа, ана энди топдингиз, — деган экан. ТУШ Бир одам туш кўрса дарахга тескари чиқиб кетаётган эмиш. Яримга борганда уйғониб кетибди. Шиканка чиқса, бир дўсти ўтиб кетаётган экан. — Ҳой, ҳой, тўхта оғайни. Бир ёмон туш кўрдим. — Қанақа туш? — Дарахга тескари чиқиб кетибман-а. — Вой-вой, ёмон туш кўрибсан-э. Эсингиз олганчи — дарах илдизи пастдаки ёки юқоридамиди? — Ўйладим, шу дейман назаримда юқорида кўришгандек бўлди. — Ҳа-ҳа, хотиржам бўлавер, унда йиқилмас экансан. А. ТУҒЧИЕВ тайёрлаган

Бувижон, ўқиб беринг

Кулчачон

Кулча номан, кулча нон Қудрати бир филча нон. Маилгай тери ҳам ўзим, Узим кўриқ-дастурхон. Йўлдошман инсоннинг,

Инсон билан ардоғим. Беш қитға — кент Тетрабар бир ушогий. Мунис МАЪҚУЛОВА.



Тоғлар чорлайди. Кўм-кўк арчазорлар соя-салқин, ором беради. Пойтахт облатимизнинг Бўстонлик тоғларида сайру савҳат қилиш, дам олиш дилларга роҳат бағишлайди. СУРАТДА: тоғлар этагидида сўлим арчазорлар.

Ҳ. Шодиев фотозъюди.

Қизиқ олам

Ҳид билишда сезгир

Табиятда жониворларнинг ўзинга хос «сезиш» инстинтлари кузатилади, бунда киши беихтиёр ҳайратга тушади. Қуйида жониворларнинг қизиқ табиатлари билан танишинг:

- Биолог олимларнинг аниқлашларича, ҳид билишда эркак илак куртининг олдига тушадиган жонивор йўқ. У урсин илак куртининг ҳидини / ақл бовар қилмайдиган масофадан — 12 километр узқудан ҳам сезади.
От ҳаво айниб, ёмғир ёғишдан олдин кишига, хирлилай бошлайди.
Ургимчак ҳавонинг очик бўлишини сезиб ин курс бошлайди, агар ёмғир ёғадиган бўлса иннинг ўртасида қилир-ламай туради.
Ҳаво очик ва қуруқ бўлса қалдирғочлар осмонда баланд парвоз қилади, ёмғир ёғиши олдида пастлаб учади.
Ит эгасининг ҳидини икки-уч километр масофадан ҳам сезади.
Товуқлар ёмғир ёғишини сезса, баландроқ жойга чиқиб олиб патларини тозалай бошлайди.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚВОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ 1 УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/У да Отелло, 30/У да Раймонда, 31/У да Кармен (19.30).
ҲАМЗА НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/У да Курорт, 30/У да Парвона.

КИНО

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛПОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ИХ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ФИЛЬМАРИ 29 МАЙДА
«ДЕНГИЗ СОХИЛИДАГИ МУ-ХАББАТ» (2 серия, Ҳиндистон) — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (19, 22.00).
«ЯНА КЕЛ, КУЗ!» (2 серия, Ҳиндистон) — Нукус (19, 22.00).
«ДЕНГИЗ ҲАҚИДА БААЛЛАДА» (2 серия, Япония) — Ҳамза номли (18, 21.00).
«ЯҚУБОВ» (2 серия, Ҳиндистон) — Восток (катта зал 19, 22.00; кичик зал — 17, 20.00).
«ЕЛГИЗ ҚИЗ» (2 серия, Ҳиндистон) — Чайка (19.30, 22.30).
«СНАЙПЕРЛАР» (СССР), «СУД ҚАРОРИ» (Миср) — Искра (20.00).
«ТОБУТ ТАШЙИДГАННИ МАШИНАНИ КУТИБ» (Аргентина), «КУЗ БОЙЛАГИЧ УЙИНИ» (Туркия) — ВЛКСМ 30 йиллиги (20.30).

30 МАЙДА
«САТАНГ АЕЛ КУН-ДАЛИГИ» (Япония) — Саят саройи (10.30, 14.30, 19.30).
«ТАВАККАЛЧИЛИК ЯУЛИ» (Туркия), «САТАНГ АЕЛ КУН-ДАЛИГИ» (Япония) — Фестиваль (21.30).
«ДЕНГИЗ ҲАҚИДА БААЛЛАДА» (2 серия, Япония) — Қозоғистон (10, 11, 13, 13.30, 14.30, 17, 18, 20.30, 21.20).
«РАСМИЙ ТАХМИН» (Аргентина), «АЛЕВ» (Туркия) — Лисув номли (10, 13.30, 17, 20.30).
«ҚУШИҚЧИ» (2 серия, Ҳиндистон) — Дружба (10, 11, 13.30, 14.30, 17, 18, 20.30, 21.00).
«ЯҚУБОВ» (2 серия, Ҳиндистон) — М. Шайхзада номли (11, 14, 17, 20.00).
«БУЛУТЛИ КУНДАГИ КУЕШ» (Сирия), «БАРИБИР СЕНИ СЕВАМАН» (Аргентина) — Москва (10, 13, 16, 19, 22.00).
«ЕТИМЧА» (Миср), «ЖАННАТ-МОНАД ЕР» (Мексика) — Тошкент Советининг 50 йиллиги (10, 13, 16, 19, 22.00).
«ШИКО» (Бразилия), «КАМИЛЛА» (Аргентина) — Восток (катта зал, 10, 13, 16, 19, 22.00; кичик зал, 11, 14, 17, 20.00).
«ГОНЗА» (2 серия, Япония) — Чайка (10, 13, 15, 16.30), 19.30, 22.30).
«ОҚ ШАҲАР» (Япония), «ДАРЕДАН ЧИҚКАН ФАРИШТА» (Мексика) — Искра (ретроспективлар, 12, 16, 20.00).
«ГОРГОНА» (2 серия, Миср) — ВЛКСМ 30 йиллиги (10, 13.30, 16.50, 20.30).

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
1 ҶУНДАН БОШЛАВ
КИНОТЕАТР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ



«Гўзаллик салони»
Сценарий автори — Е. ЗИКОВА.
Режиссёр — А. ПАНКРАТОВ — ЧЕРНИИ.
Ролларда: Т. ИВАНОВА, Г. БУРКОВ, Т. ВАСИЛЬЕВА ва бошқалар.
Бу фильм қаҳрамонлари — касби сартарошлиқдан иборат, турли тақдир ва характерга эга, ишга, хизматдош ўртоқларига муносабати турлича бўлган кишилардир.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
«Матвейнинг қувончи»
В. Шергин ҳикоялари асосида.
Сценарий авторлари — И. ПОПЛАВСКАЯ, В. СОЛОВЬЕВ.
Режиссёр — И. ПОПЛАВСКАЯ.
Ролларда: Р. АДОМАЙТИС, В. ГАЛКИН, Н. ТРОФИМОВ ва бошқалар.
Фильмда халқ орасидан чиққан истеъдодли инсон — помор Матвей Корельскийнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. У фақат Совет ҳокимияти ўриятилгандан кейингина ораусига эришиди — ўз кемасини ярата олди.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ
12-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—87 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
қурувчи дурадгорлар — ўқиш муддати 3 йил, бўёқчилар (қурилиш бўйича) — ўқиш муддати — 3 йил, электр пайвандчи — ўқиш муддати — 3 йил, сувоқчи-гач ўймакор усталари — ўқиш муддати — 3 йил, электр монтажчилар — ўқиш муддати — 6 ой — 1 йил, сувоқчи-бўёқчилар — ўқиш муддати — 6 ой — 1 йил, дурадгорлик — ўқиш муддати — 6 ой, 1 йил.
Ўқиш муддати 6 ой — 1 йил бўлган гуруҳларга 10-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 6 ойлик, 1 йиллик муддатли гуруҳларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 72 сўм миқдорда стипендия тўланади.


3 йиллик гуруҳларга 8 синфни тамомлаган ёшлар қабул қилинади, улар билим юртида олган маълумоти ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал беғул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар. ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти уларга берилади.
Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади, машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёزلардан фойдаланадилар. Аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.
Билим юрти спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек, техника ижодиёти, бадий-ҳаваскорлик тўғараклари мунтазам ишлаб туради.
Бошқа областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар, ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкиси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см).
Адрес: Тошкент шаҳри, 131-алоқа бўлими, Акмал Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (4, 9, 16-грамвайларнинг 30-поликлиника, 3, 54, 187-автобусларнинг «12-квартал» бекатлари
Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
28-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовкчи тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотларни қабул қилувчи контролёрлар, ремонтчи-слесарь, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзаллар тикувчи.
10-синфни тугатган ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синфни тамомлаган ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.
ҲАММА ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙДАН 10 ОЙГАЧА.
Практика даврида ўқувчилар ишлаган иш ҳақининг 50 проценти оладилар.
БИЛИМ ЮРТИНИ ВИТИРГАНЛАР ТОШКЕНТДАГИ 1-ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.
Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун Пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўғараклари мунтазам ишлаб турибди. Билим юртида ишчи-ёшлар мактаби бор. Билим юрти қошида бичиш-тиқич курси бор. Бу курсни битирганларга гувоҳнома берилади.
ЎҚИШ — 1 СЕНТЯВРДАН БОШЛАНАДИ.
Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат.
ҲУЖЖАТЛАР ЯҚШАНВАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Визнинг адрес: Тошкент шаҳри: В. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбуслар; 7, 11, 51-автобусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати. Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
47-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
БИЛИМ ЮРТИ РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ ИГУВЧИ-СЛЕСАРЛАРИ, РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ МОНТАЖЧИЛАРИНИ ТАЙЕРЛАЙДИ.
Радио аппаратураси ва приборларнинг монтажчилари гуруҳларига Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта маълумотга эга бўлган қизлар ва Совет Армияси сафида хизматни ўтаб бўлган йигитлар қабул қилинади.
Радио аппаратураси ва приборларнинг монтажчилари гуруҳларига Тошкент шаҳрида яшовчи ва ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ҳафта ундан катта ишдаги қизлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 6 ой.
Ўқиш давомида 70 сўм стипендия тўланади.
МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТУЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: паспорт, ҳарбий билет, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкиси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см).
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергеев 2 массиви, 64-«а» уй (яқпанбадан ташқари ҳар кун 9 дан 17.00 гача).

Саратон жазирамасида мўътадил ҳаво



САРАТОННИНГ ЭНГ ЖАЗИРАМАЛИ КУНЛАРИДА ҲАМ «БК-1500», «БК-2000», «БК-2000 Т», «БК-2500» КОНДИЦИОНЕРЛАРИ ХОНАДОНДА МУЪТАДИЛ ҲАВО ЯРАТИБ БЕРАДИ.
Бу кондиционерлар сизнинг квартирангизда 10 оС пасаитради, ҳаводан ортинча намин тортиб олади ва хонада исталган ҳавони автоматик тарзда сақлаб туради:
майdonи 25 кв. м. гача — БК-1500; 30 кв. м. гача — БК-2000 ва БК-2000 Т; 35 кв. м. гача — БК-2500.
МАРКАЗИИ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ БУНДАГИ МАРКАЛИ КОНДИЦИОНЕРЛАРНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.
СИЗ БУ БУЮМЛАРНИ «МАШИИ ТЕХНИКА» СЕКЦИЯСИДА НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН
КОНДИЦИОНЕРЛАР БАҲОСИ—325, 350, 400, ва 375 сўм. «БК-2000 Т» КОНДИЦИОНЕРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИВОР БЕРИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ, У УНИ САЛҚИН ҚИЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ҚИШ ФАСЛИДА ИСАТАДИ ҲАМ.
Марказий универсал магазиннинг «МАШИИ ТЕХНИКА» саломи соат 9 дан 21.00 гача танаффуссиз ишлайди.
ЦУМ (телефон 56-77-91).
«Союзторгреклама» Втууниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
—Москва «МУЗ УСТИДА ЦИРК» коллективининг гастроллари (19.30).
Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича 1986—1987 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФ, ФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР О. Р. ЭХМ ОПЕРАТОРИ, ЭХМ ПРОГРАММИСТИ, УНИН АВТОМАТЛАРНИНГ МЕХАНИ, ГИ.
Барча ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 8-синф маълумотиданларга — 3 йил, 10-синф маълумотидагиларга — бир йил.
Ўқишга йигит ва қизлар қабул қилинади. Билим юртига қабул қилинганларга 30 сўм стипендия тўланади.
Таълим курсини тугатган ўқувчилар Тошкент шаҳридаги турли муассасалар, тишкюлотлар, илдорлар, лойиҳа-конструкторлик бюорлари, ҳисоблаш марказларида иш билан таъминланадилар.
Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: аттестат (ўрта маълумот ҳақидаги) — 8-синф маълумотидагилар учун — 8-синфни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 4-дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, медицина справкиси, яшаш ва ота-онасининг иш жойидан справка, паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, директор номига ариза.
Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (10, 444, 56, 85, 88-автобусларнинг «Семашки номли институт» бекати).